

## **БОБОРАҲИМ МАШРАБ ИЗДОШЛАРИ**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи Адабиёт бўлими мудири  
Н. Мўминова.*

**Режа :**

- 1. Кўхна замин алломалари.**
- 2. Наманган халқ оғзаки ижоди.**
- 3. Намангандаги фольклоршунослик.**
- 4. Машраб издошлари.**
- 5. Хулоса.**

Фарғона водийси Туронзаминнинг қадимий маданият масканлари дандир. Айниқса, вилоятимиздаги Ахсикент, Косон, Чуст Боб (Поп) шахарларида ўтказилган тадқиқот ишлари бу жойлар кўхна маданият ўчоқлари эканлигини кўрсатади. Бундан минг йил аввал бунёд бўлган Наманган шахри водийнинг маданий ҳаётида тобора салмоқли ўрин тута борди. Наманган ўлкаси кўплаб олимлар, орифлар, фозиллар вояга етказди. Бутун Туркистон заминида IX-XII асрларда юзага келган ilk Уйғониш даврида Фарғона водийси, жумладан, Наманган вохаси жаҳон фани юксалишида залворли ўринга эга бўлган алломалардан камол топтирди. VIII аср охирида мамлакат пойтахти Ахсида туғилиб ўсган Ахмад Фарғоний фалакиёт, риёзиёт ва жуғрофия фанлари ривожига улкан кўшди. Шарқда Хосиб (математик), Оврупада Алфраганус номи билан машхур бўлди. Поп шахридан X асрда йирик шайх ва донишманд Умар Боб Фарғоний етишиб чиқди. Маҳдуми Аъзам-Сайд Аҳмадни ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагийи Косоний (1451-1542) тариқат шуҳратини бутун ислом дунёсига ёйди. Бу нуктадон мутасаввиф олим тасаввуф, аҳлоқ-одобга доир ўттизга яқин асар ёзган. Маҳдуми Аъзамнинг халифа шогирдлари ҳам улуғликка эришганлар. Чунончи, Мавлоно Лутфулло Чустий (XV-XVI) Нақшбандий

тариқатининг атоқли вакили мақомига етган. Қашқарда пешволик қилган Ҳидоятулло Офоқ Ҳожа(Машрабнинг устози) Маҳдуми Аъзамнинг эваралариданdir. Ўтмиш юртдошларимиз халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг эл даҳоси, дили дидини ифодаловчи ажойиб намуналарини мерос қилиб қолдиргандар. Оғзаки ижод дурдоналари орасида Наманган ўлкасида яратилган асотирлар, қўшиқлар, эртаклар, достонлар кўп. Буларнинг анчагина қисми ёзиб олиниб, нашр этилди. Қатор туманларда халқ достончилик мактаблари давом этиб келди. Айниқса, Кўлбуқон (Янгиқўрғон), Қайқи (Учқўрғон) достончилик мактаблари шуҳрат қозонди. Забардаст алломаларни бағрида вояга етказган диёрнинг аждодларининг оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача этиб келган бой маданий мероси борки, улар нафақат фарзанд тарбиясида, балки бутун омма маънавияти юксалишига хизмат қилувчи бебаҳо меросдир. Бундай меросларни ёзиб олиб, ўрганиб, халқقا тақдим этишда ҳамюртимиз, фольклоршунос олим Муродов Малик Муродовичнинг меҳнатлари бекиёсдир. У ижодий даврида 200 дан ортик мақола, эртак ва достонлар ёзди. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Адабиёт кўргазмалар залида Малик Муродовнинг “Гулиқаҳқаҳ” ва “Наманганинг олмаси” номли қўлёзма китоблари намойишга кўйилган бўлиб, бу китобларда Наманган вилоятининг турли туманлари кекса отахон ва онахонлари оғзидан ёзиб олинган лапарлар, аллалар, эртаклар ва маросим қўшиқлари жамланган. Фольклоршуносликда ривоят, эртак ва достонларнинг ҳам ўрни катта бўлиб, фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этади ҳамда кўпроқ умумбашарий, умуминсоний, миллий қадриятларни ўзида ифода этади. Жумладан, ўзбек халқ достони “Алпомиш”да муҳаббат ва дўстлик, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсоналарда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик, Хотами Той ҳақидаги эртакларда қўли очиқлик, бағрикенглик, ҳокисорлик, “Кунтуғмиш”да оила ва фарзандга муҳаббат рухи бадиий тасвирланган. Қадимги одамлар борлик тўғрисида ўйланганларида, афсона, ҳикоя ёки достонлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг ботиний

чексизлиги, буюклиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрини, маъноси, мазмуни, мақсади, ботирлик, оқиллик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар аҳамиятини турлича талқин қилганлар, хатто уларнинг айримларини илоҳийлаштирилган. Ҳар бир эртак ва достонларда ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди, ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозонади. Бундай эртак ва достонларни ўқиган болалар албатта ижобий қаҳрамонларга ўхшагиси, ўзини унинг ўрнида кўргиси келади ва сўзсиз бунинг натижасида феъл-авторида, юриш-туришида ижобий ўзгаришлар юзага келади. Шу боис ҳам ота-боболаримиз, “Эртаклар яхшиликка етаклар” деб бежизга айтишмаган. “Аждарҳо”, “Бўз бола”, “Олтин қаср”, “Гулиқаҳқаҳ”, “Гулияр билан Қаландарбек”, “Анқо қуши”, “Уч ака ука билан бир қиз” ва бошқа кўплаб ҳалқ эртаклари “Гулиқаҳқаҳ” номли уч томли асарга жамланиб, у фольклоршунос олим М. Муродов томонидан 1958-1985 йиллар давомида нашрга тайёрланган. Ушбу китоб музей хазинасида 17366 рақами остида сақланмоқда. Китобда баён этилган эртаклар болаларни тўғри ва ширин сўз, ҳалол, меҳнатсевар, Ватанпарвар ва ота-онага, ёру-биродарларига меҳрли бўлишга ундейди. Биргина “Аждарҳо” эртагини талқин қилиб кўрсак: бу эртакни М. Муродовга 1976 йили Намангандеги Файзибод қишлоғида яшовчи 81 ёшли Усмон ота Мадумаров ўғли айтиб берган. Эртакдаги аждарҳо анча ақлли, уқувли ва тадбирли экан. У тоғда бир ўзи зерикканидан қишлоқдан бир ақлли қиз олиб келиб, уни вояга етказиб, кейин унга уйланиб яшамоқчи бўлади. Дастрас қишлоқдан бир чиройли қизни олиб келади ва ундан исмини сўрайди. Қиз бўлса унга исмимни нима қиласан, турқи совуқ аждарҳо, мени уйимга элтиб қўй, бўлмаса отам сени ўлдиради. Мени отам шу юртни султони, қиличидан қон томади. Мен унинг ёлғиз фарзандиман дейди ва хақоратлайди. Аждарҳонинг жаҳли чиқиб, сени ўзимга хотин қилиб олмоқчи эдим, энди эса менга чўри бўласан, дангаса, бетга чопарнинг жазоси шу деб ғорга қамаб қўяди. Иккинчи марта шаҳардан яна бир гўзал қизни ўғирлаб келади ва ниятини айтади. Қиз эса шунақсанги сўзларни айтиб қарғанибди, аждарҳо унинг

сасиганига чидаёлмабди. У ҳам майли, қиз пешингача уйқудан турмас экан. Аждарҳо у қизни ҳам бир ғорга қамаб қўйибди. Учинчи марта бир қишлоқдан ўта камбағал, лекин ақлли, чиройли ва оғир ҳаётдан тўйған Зарифа исмли қизни ўғирлаб келибдида бу ҳам барибир хотин бўлишга кўнмайди деб ўйлаб еб қўймоқчи бўлади. Шунда ақлли қиз мени ейишга ҳали улгурасан, аввал бу ерларни тозалаб берай, ифлос жойда иштаҳа бўғилади дебдида бир зумда ҳамма жойни ёғ томса ялагудай тозалабди, овқат пиширибди, кир ювибди. Хуллас, ширин сўзу меҳнати билан аждарҳога ёкиб қолибди. Қизнинг гапи билан аждарҳо ҳамма бандиларни озод қилибди. Аждарҳо шифобахш булоқ сувида чўмилиб навқрон ва меҳрибон йигиттага айланибди. Шу тариқа аждарҳо йигит билан Зарифа баҳтли ҳаётга қадам қўйибди. Аввалги икки қизнинг оталари аждарҳо йигитдан қасд олмоқчи бўлганида, қизлар ўз айбиларини тушуниб етибдилар ва оталарига ҳаммасига сабаб, бизнинг заҳар тилимизу, дангасалигимиз деб, оталарини қасд олишдан қайтаришибди. Эртакдан хulosса шуки, “тил югурап бошга, кўл югурап ошга”, “яхши бўлсанг ошингни, ёмон бўлсанг бошингни ейсан”, “ширин тил билан илон инидан чиқибди” каби мақолларни эслаш ўринлидир. Хulosса қилиб шуни таъкидлаш жоизки ҳалқ оғзаки ижодининг алладан тортиб афсона, ривоят, достон, қўшиқлар, эртак ва мақолларнинг бари фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бирининг тарбияда ўз ўрни ва қўллаш вақтлари бор. Шу боис ҳам менинг фикримча мактабларда бошланғич синфлардан тортиб, юқори синфларнинг адабиёт дарсликлари, маънавият соатларига ва одобнома дарслари иш режаларига ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини кўпроқ киритиш жоиз. Ўлкамизда ёзма адабиёт турли жанрларда ривожлана борди. Воҳамиз адиблари ўтмиш давр тарихий воқеалари тўғрисида назмий ва насрий асарлар яратганлар. Шоҳ Ҳаким Холиснинг “Сафед Булон” қиссаси шулар жумласидандир. IX-XII асрлар бадиий адабиётнинг юксалиш даври бўлди. Бу асрларда Ахсикент шаҳри сўз санъатининг қатор йирик намоёндаларини вояга етказди. Маркази Ахсикент бўлган Наманган ўлкаси

адабий муҳити шакллана ва ривожлана борди. Шу даврларнинг машҳур шоир ва олимларидан Аҳмад Ахсикатий Зул фазоил(“Фазилатлар соҳиби”) номини олган. Унинг укаси Муҳаммад Ахсикатийни ҳам Зул маноқиб(“Яхши хислатлар соҳиби”) деб аташарди. Шунингдек, Ахсида таваллуд топган Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний, Тоҳир Ахсикатийлар ҳам таниқли шоирлар эдилар. Шу шаҳар фарзанди, ўзбек мумтоз шоири Асируддин Ахсикатий дунёга довруғи кетган сўз санъаткори эди. У Шарқда дастлабкилардан, ўлкамиз ижодкорлари орасида биринчи бўлиб Малик уш-шуаро (халқ шоири) унвонига сазовор бўлган. Ўзбек мумтоз адабиётининг энг порлоқ сиймоларидан, жаҳон адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, улуғ шоир ва носир, заковатли олим, атоқли давлат арбоби ва йирик саркарда Заҳириддин муҳаммад Бобур ҳам Ахсикентда туғилиб ўсган. Воҳанинг шаҳарлари ва жаннатмакон қишлоқларида ҳамон Мирзо Бобурнинг йигитлик нафаси уфуриб туради.

XVII асрда Наманган

Бобораҳим Машрабдек оташзабон, халқчил, ҳақгўй шоир, буюк донишманд, йирик мутафаккир, юксак истеъ dod эгасини дунёга келтирди. Унинг янгрок овозига шоира Махваш жўр бўлди. XIX асрнинг биринчи ярмида ўлкада қайнок адабий ҳаёт давом этди. Фазлий Наманганий шу диёр шоирлари орасида иккинчи бўлиб Малик уш-шуаро даражасига эришди. Нодир, Ғозий, Мунший, Мажзуб, Мухлис, Махзун ва бошқа шоирлар Намангон ва Кўқон адабий ҳаётида фаол қатнашдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлкамиз бадиий сўз жабҳасида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ўзаро дўстлик, адабий ҳамкорлик ва ғоявий-эстетик ҳамжиҳатликка асосланган, уюшган бир ижодий муҳит, бадиий тафаккурни янги поғонага кўтарган адабий жараён равнақ топди. Нодим, Ибрат, Шавқий, Ҳайрат, Хилватий мазкур ижодий гуруҳнинг етакчи вакиллари эдилар. Бу халқчил шоирлар лирикани ғоявий ва бадиий жиҳатдан юқори кўтаришга катта ҳисса қўшдилар. Бадиий адабиётда халқпарварлик кучайди. Мустамлака қуллиги давридаги оғир аҳвол, омма бошидан кечираётган жабру жафолар, ноҳақликларнинг ҳаққоний тасвири халқчил шоирлар ижодида кенг тус олди.

XX аср бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракати авж олди. Шу жараён маҳсули сифатида улкан маърифий ҳаракат, миллатпарвар ва эркпарвар сиёсий оқим-жадидчилик юзага келди. Жадид адабиётида давр воқеликларига түгёнкор муносабат, ватан, озодлик ва мустақиллик туйгулари, миллат дарди, истиқлол ва истиқбол ғоялари равшан акс этган. Наманганлик тараққийпарвар зиёлилар-Исҳоқхон Ибрат, Мұхаммадшариф Сўфизода, Лутфулла Олимий ва бошқалар шу буюк ҳаракатнинг йирик вакиллари эдилар. Улар ўз асарлари орқали миллий уйғониш ғояларини халқ орасига таратдилар. 1920 йиллар адабиёти ўзига хос тамойиллари билан ажралиб туради. Собиқ совет ҳокимиyатининг сўзи билан иши ўртасидаги тафовутни тез идрок қилган адиллар бу тузумга қарши кайфиятларини ошкора ифода этдилар. Сўфизода шўро тузумидаги адолатсизлик ва ҳақсизликларни кескин танқид остига олди. Шоир Рафиқ Мўмин эл дардини, эрк учун кураш ғояларини ўзига хос усул ва оҳанг билан куйлади. Усмон Носир 30-йилларда шеърият осмонининг ёрқин юлдузи бўлиб порлади. Афсуски, бу уч ижодкор, шунингдек, шоир Ибрат 1937-38 йилларда авж олган қатағонларнинг дастлабки қурбонларидан бўлдилар. 30-40- йилларда Зафар Диёр болаларнинг ардоқли шоири сифатида шухрат қозонди. Парда Турсун, Йўлдош Шамшаров насрий асарлари билан танилдилар. Чустий, Шўхий, Холис каби шоирлар ғазалнавислик анъаналарини муваффақиятли давом эттирдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида наманганлик қаламкашлар ҳам душманга қарши курашда фаол қатнашдилар. Парда Турсун, Азиз Турсун, Ҳамид Тожибоев, Мұхаммад Отажонов, Ҳабибулло Тошматов каби ўнлаб қаламкашлар қўлда қурол билан жанг қилдилар. Урушдан кейинги йилларда улар адабий ҳаётда лойик ўринга эга бўлдилар. Булар билан бирга Турғун Пўлат, Ҳамид Нурий, Шерали Тошматов ва бошқа шоир ва носирлар қизғин ижод қилдилар. 50-йиллар ўрталаридан адабиётда янги рух пайдо бўла бошлади. Ижод заминий ҳисларга, мураккаб қалбий кечинмаларга яқинлаша борди. Ҳусниддин Шарипов, Нуриддин Бобохўжаев, Санобар Ҳасанова ва бошқаларнинг хилма-хил мавзудаги шеърлари, достонлари

адабиёт муҳлислари эътиборини тортди. Маҳоратли носир Жонрид Абдуллахоновнинг қатор қисса ва романлари ўзбек адабиёти тараққиётида салқоқли ўрин эгаллади. 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошида Наманган адабий гулшанига яна янги авлод қайноқ нафаси билан кириб келди. Ҳабиб Саъдулла, Эрмамат Нурматов, Абдуғани Абдувалиев, Эргаш Ёндош, Ёқубжон Аҳмаджонов, Обиджон Жуманазаров, Ғуломжон Акбаров ва бошқа истеъдод эгалари турли жанр ва турли мавзудаги, бадиий пишиқ асарлари билан адабиётимизни бойитиб бордилар. 1956 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимининг ташкил этилганлиги ўлка адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бўлимга Азиз Турсун раҳбарлик қилди ва самарали фаолият олиб борди. Ҳамюрт шоирларимиздан бир неchalарининг шеърий китоблари чоп этилди. Робиддин Исҳоқов, Оташ Холмирзаевлар адабий ижод билан бир қаторда халқ оғзаки асарлари намуналарини тўплаш ва нашр этиш борасида баракали меҳнат қилдилар. Н.Бобахўжаев, А.Раҳимов бадиий ижодкорликни адабиётшуносликка оид илмий ишлар билан қўшиб олиб бордилар. М. Нурматов, О.Носиров, М. Маъмуроев, Ж. Раҳимов ва бошқалар ҳам ҳудди шу йўсинда фаолият кўрсатдилар Юртдошларимизнинг драматургия соҳасидаги хизматлари ҳам самаралидир. Ҳ. Шарипов, А. Турсунов, Н. Бобоҳўжаев, Ҳ. Саъдулла, С. Қориев, О. Носиров, Абдулла Жаббор, Абдуғани Абдувалиев, Тўра Мирзо каби драматургларимизнинг асарлари муваффақиятли сахналаштирилди. Адибларимиз бошқа халқлар адабиётидан уқув билан таржималар қилдилар. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач истиқлол адабиёти шакллана ва ривожлана бошлади. Бу адабиёт бадиийлик, миллийлик, халқчиллик, мафкуравийлик тамойилларининг кучайгани билан ажralиб туради. Инсонни англаш, унинг руҳий дунёси, ички кечинмалари, ақлий фаолияти, ҳаёт тарзи, орзу интилишларини бадиий ифодалаш бу давр адабиётининг энг асосий хусусиятларидир. Мустақилликнинг мусаффо ҳавоси билан нафас олаётган, озодлик шабадасидан баҳраманд бўлаётган ёзувчиларимиз сўз санъатини давр руҳига монанд бадиий баркамол асарлари билан

бойитмоқдалар. Ҳабиб Саъдулла, Тоҳир Қаҳҳор, Абдулла Жаббор, Эрмамат Нурматов, Тўра Мирзо, Аҳмад Хўжа, Санобар Ҳасанова, Абдулла Жалил, Довуд Фифоний, Зиёвиддин Мансуров, Аҳмаджон Луқмонов, Фарҳод Йўлчиев, Боқий Мирзо, Дилбар Бону, Лола Аҳмедова, Муҳаммад Мирзо ва бошқаларнинг шеърларида истиқлол тароналари баралла янгради. Шеъриятда тафаккур ва ҳистуиғу кўлами кенгайиб борди. Мазмуний-шаклий изланишлар, услугубий рангинлик яққол қўзза ташлана бошлади. Бу ижодкорларнинг кейинги авлоди вакиллари Жамолиддин Муслим, Дилором Эргашева, Роза Шокирова, Ўқтамхон Холдорова, Руқия Ғозиева каби шоир ва шоиралар ижодида ҳам яққол қўринди. Ҳамюрт адибларимиз насрнинг йирик турларида дадил қалам тебратдилар. Ж. Абдуллахонов янги романлар ижод қилди. А.Абдувалиев, Аҳмад Турсун, Ёқуб Аҳмаджоновлар муракқаб жанрда пишиқ асарлар яратдилар. Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими Наманган шоир ва носирлари кейинги йиллар ижодидан “Наманган наволари”(1997) баёзини нашр эттириди. Ўқитувчи ва мураббийлар шеърларидан иборат “Мураббий баёзи”(1998) чиқарилди. Ижодкорларимизнинг қатор китоблари ихлосмандлар қўлига тегди.

Мустақиллик ижодий кучларнинг ўсиши учун кенг имкониятлар яратди. Ижодий иш ва ижодкорлик тобора қадр топа бошлади. Ўзбекистон сўз санъаткорлари орасида биринчи бўлиб Муҳаммадшариф Сўфизода Ҳалқ шоири номини олган эди. Юртдош шоирларимиздан иккинчи бўлиб Ҳабиб Саъдулла шундай юксак унвонга сазовор бўлди. Ҳамюрт адибларимиз ўзбек адабиётини ранго-ранг тур, жанр ва шаклдаги янги асарлар билан бойитиб бордилар. Сўз санъати боғига 2000 йилларда истеъдодли ёшлардан Саловат Махмудов, Алишер Бобохўжаев, Носир Аббос, Гулчехра Муродова, Ақрам Усмон, Аъзам Обид ва улар кетидан ёш умидли шоиралар Беназир(Гулчехра Зокирова), Мехриноз Аббосовалар Наманган адабий гулшанининг сара гуллари бўлиб етишдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки салкам икки минг йиллик тарихга эга бўлган Наманган адабий муҳити бугун ўзбек адабиёти умумий жарангосида ўз сози ва

овози билан фаол қатнашмоқда. Янги-янги овозларнинг келиб қўшилаётгани эса бу муҳит янги асрда жаҳон адабиёти хазинасини умрбоқий асарлар билан бойитишга ҳисса қўшажагидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Машраб беланчаги” баёз журнал. Наманган-2001й.
2. “Наманган наволари” баёз. Наманган-1997й.
3. Малик Муродовнинг “Наманганнинг олмаси” номли қўлёзмаси.
4. Шахсий фикрлар.